



Tel: 998(71)273-16-34 Fax: 998(71)273-27-68

КАРОР

(кассация инстанцияси суди)

Тошкент шаҳри

2018 йил 19 июнь

1001-1703/21146-сонли

Биринчи инстанция судида ишни
кўрган судья Ф.Машкуров

Кассация инстанцияси судида
марбузачи судья Б.Шомакулов

Тошкент шаҳар иқтисодий судининг кассация инстанцияси суди Л.Абдуллаев раислигида, судьялар Б.Исраїлов ва Б.Шомакуловдан иборат хайфат таркибида, Д.Юлдашованинг котибалигида, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ф.Мустафоев, давловтар вакили - М.Махмулов, жавобтар вакили - Нурмухамедов Т., учинчи шахс ДВК вакили - Мусаббекова С. иштирокида, давловтарлар - "МНКС" компанияси (Франция), "R & A Bailey & Co" компанияси (Ирландия), "Chivas Holding IP Limited" компанияси (Бууюк Британия), "Diageo Brands V.V." компанияси (Нидерландия) ва "The Masellan Distillers Limited" компанияси (Бууюк Британия)нинг ваколатли вакили М.Махмулов томонидан берилган кассация шикоятига асосан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 19 февралдаги ажримининг қонунийлигини иш хужжатлари билан биргалликка очик суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Давловтар - "МНКС" компанияси (Франция) Тошкент туманлараро иқтисодий судига давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобтар - "Vella Group" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасига нисбатан "Moet & Chandon" товар белгиси билан марказланган махсулотни келтурувчиси олиб кириш ва эркин муомалага киритишни тавжиклашгани сўралган.

Давловтар - "R & A Bailey & Co" компанияси (Ирландия) Тошкент туманлараро иқтисодий судига давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобтар - "Vella Group" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасига нисбатан "Baileys" товар белгиси билан марказланган махсулотни келтурувчиси олиб кириш ва эркин муомалага киритишни тавжиклашгани сўралган.

Давловтар - "Chivas Holding IP Limited" компанияси (Бууюк Британия) Тошкент туманлараро иқтисодий судига давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобтар - "Vella Group" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасига нисбатан "Chivas" ва "Chivas Regal" товар белгилари билан марказланган махсулотларни келтурувчиси олиб кириш ва эркин муомалага киритишни тавжиклашгани сўралган.

Давловтар - "Diageo Brands V.V." компанияси (Нидерландия) Тошкент туманлараро иқтисодий судига давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобтар -

ЎЗБЕКИСТОН КАССАЦИОННОЙ ИНСТАНЦИИ
ЭКОНОМИЧЕСКОГО СУДА
ГОРОДА ТАШКЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
№ 1001-1703/21146-сонли
Сана 04.07.2018

"Vella Group" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасига нисбатан "White Horse", "Gordon's", "Johnnie Walker" товар белгилари билан марказланган махсулотларни келтурувчиси олиб кириш ва эркин муомалага киритишни тавжиклашгани сўралган.

Давловтар - "The Masellan Distillers Limited" компанияси (Бууюк Британия) Тошкент туманлараро иқтисодий судига давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобтар - "Vella Group" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасига нисбатан "Masellan" товар белгиси билан марказланган махсулотни келтурувчиси олиб кириш ва эркин муомалага киритишни тавжиклашгани сўралган.

Суднинг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан мажкур иқтисодий ишларга низо предметида мустақил талабтар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги жалб қилинган.

Шунингдек, суднинг 2018 йил 6 февралдаги ажрими билан мажкур иқтисодий ишларга низо предметида мустақил талабтар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жалб қилинган.

Бундан ташқари, давловтар судга давво предметидаги ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган.

Суднинг 2018 йил 15 февралдаги ажримлари билан давловтарнинг давво предметидаги ўзгартириш тўғрисидаги аризалари иш қоритишга қабул қилинган.

Суднинг 2018 йил 19 февралдаги ажрими билан 1001-1703/21146, 1001-1703/21147, 1001-1703/21148, 1001-1703/21149 ва 1001-1703/21150-сонли иқтисодий ишлар бир иш қоритишга бирлаштирилган иқтисодий ишларга 1001-1703/21146-сонли иш рақами берилган.

Суднинг 2018 йил 19 февралдаги ажримида кўра, суд давво аризасини имзоланган вакилларга берилган ишончномалар ваколатли шахслар томонидан берилмаган деган хулосага келиб, давво аризаларни қўрмаддан қолдирган.

Ушбу ажримдан норози бўлган давловтарларнинг ишончли вакили Тошкент шаҳар иқтисодий судига кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Кассация шикоятида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг даввони қўрмаддан қолдирган ҳақидаги суднинг ажримини бекор қилишни ҳамда ишни мазмунан қўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига бориш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи давловтарлар вакили кассация шикоятини қўллаб-қувватлаб, уни қановатлантиришни сўради.

Жавобтар вакили кассация шикоятини рад этишни, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгартиришсиз қолдиришни сўради.

Учинчи шахс ДВК вакили - иш бўйича қонуний қарор қабул қилишликни судга хавола қилди.

Учинчи шахс сифатида жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсаларда бўлгани суд мажлисида иштирок этишмади ва ўзларининг фикр мулохаазаларини билдиришмади.

Прокурор кассация шикоятини қановатлантиришни сўради.

Кассация инстанцияси суди шикоят юзасидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушултиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, кассация шикоятига келтирилган вазларни иш хужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ажримини бекор қилиб, ишни мазмунан қўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига боришни лозим деб топади.

Ишдаги давво аризалари ўрнатилганда, давловтар компаниялар томонидан М.Махмулов, Ш.Уткирходжаев, М.Турсунова ва бошқаларга Ўзбекистон

Республикаси худудида даввогар манфаатларини химоя қилиш учун ишончномалар берилган.

Бирок, биринчи инстанция суди томонидан ишончнома берган шахсларнинг ишончнома беришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи хужжатлар вакиллар томонидан тақдим этилмади, факатгина апоستيرл қўйилганлигини таъкидлашди деб давволарни кўрмасдан қолдириш ҳақида асосиз хулосага келган.

Чунки, иш хужжатларида мазкур ишончномаларни берган шахсларни ишончнома беришга ваколати борлиги ҳақидаги хужжатларга апоستيرл қўйилган ва буни суднинг ўзи ҳам ажримда инкор этмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 158-моддасига кўра, биринчи инстанция суди айни бир шахслар ишгирик этувчи бир турдаги бир нечта ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақи эканлиги белгилаб қўйилган бўлсада, бирок суд даввогарлар бошка бошка юридик шахс эканлигини инобатга олмаган ҳолда, ушбу ишларни битта иш юритишга бирлаштириш ҳақида асосиз нотўғри хулосага келган.

Мазкур ҳолатда судлов хайъати даввои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим чиқариш учун асос сифатида келтирилган вазжларни асосиз деб ҳисоблайди ва мазкур сул хужжатини бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддасида, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқук нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилган.

Шунга кўра кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган ва процессуал ҳуқук нормалари бузилган деб ҳисоблаб, кассация шикоятини қаноатлантиришни суднинг мазкур ажримини бекор қилишни ҳамда ишни мазмунан кўриб чиқишлик учун биринчи инстанция судига юборишни лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 301-303, 305-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди

қ а р о р к и л а д и:

даввогарлар – “MHCS” компанияси (Франция), “R & A Bailey & Co” компанияси (Ирландия), “Chivas Holding IP Limited” компанияси (Бууюк Британия), “Diageo Brands B.V.” компанияси (Нидерландия) ва “The Macallan Distillers Limited” компанияси (Бууюк Британия)нинг ваколатли вакили М.Махмудовнинг кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 19 февралдаги ажрими бекор қилинсин.

Мазкур иш белгиланган тартибда кўриб чиқишлик учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўтказилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний қучга қиради ва уни устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи

Л.Абдуллаев

хайъат аъзолари

Б.Исрайлов

Аслига тўғри:

Б.Шомаксудов

Б.Шомаксудов